КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 21 (8511). ● 29 январь, 1985 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

## ҚАРШИ САЙЛОВ ОКРУГИ САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари Ўзбекистон республика давлат ҳокимияти олий органига бўлажак сайловга сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини авж олдирган ҳолда тайёргарлик кўраётганлигининг яққол намоёйишига айланмоқда. 28 январь куни Қарши сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоатчилигининг вакиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев билан учрашувга келдилар.

Сайловолди йиғилишини Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. Лозицкий очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Эскиангарканалстрой» трестига қарашли Қашқадарё механизациялашган кўчма колоннасининг инженери К. Н. Хўжаева И. Б. Усмонхўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида гапириб берди ва сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Йиғилишда «Каршинефть» нефть-геология-разведка бошқармасининг слесари И. П. Зиков, биринчи область касалхонасининг врачи Н. А. Бурнашева, «Қаршистрой» саноат корхоналари бошқармасининг бетон қуювчиси К. Эшонқулов, В. И. Чапаев номли 8-мактаб ўқитувчиси З. Воҳидов, Қарши паррандачилик фабрикасининг ишчиси Т. П. Кидряева, меҳнат ва уруш ветерани, Шуҳрат орденларининг тўлиқ нишондори И. Т. Егоров, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов сўзга чиқдилар. Улар область меҳнаткашлари сайлов кунини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлашга интилаётганликлари, партия XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун муносиб ҳисса қўшишга азму-қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар бутун мамлакатда жсnажон Коммунистик партиянинг XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кенг авж олдириб юборилганлиги республиканинг ҳар бир меҳнаткаши қалбида меҳнат ғайратини янада кучайтирганлигини айтдилар.

Округ, бутун республика меҳнаткашларининг куч-ғайратлари ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ўртага қўйган вазифаларни бажаришга қаратилган, деб таъкидлашди нотиқлар. Партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, хўжалик юритиш формалари ва методларини тубдан яхшилаш йўли бу йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни, умуман беш йиллик планни амалга ошириш учун барча мавжуд резервлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга эришишга кўмаклашади. Округ, область меҳнатчилари хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида муносиб тартиб ўрнатиш йўлидаги курашни аниқ мақсадни кўзлаб давом эттиришни, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишни, меҳнат унумдорлигини муттасил ўстиришга интилишни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар.

Йиғилиш қатнашчилари халқ фаровонлигини ошириш, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Нотиқлар сайловчиларни сайлов кунида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, халққа хизмат қилиш учун кўп кучғайрат сарфлаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев номзоди учун аҳиллик билан овоз беришга даъват этдилар.

Сайловчилар депутатликка номзодга наказлар бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

# *Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи*

Ҳурматли ўртоқлар!

Аввало мени Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиб, катта шараф билдирганлигингиз учун сизларга, Қарши шаҳар сайлов округининг барча меҳнаткашларига чин қалбимдан ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мен бу юксак ишончни совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — ленинчи Коммунистик партиямизга батамом ва тўла-тўкис кўрсатилган ишонч деб биламан. КПСС, унинг Марказий Комитети меҳнат аҳлининг манфаатларига, тинчлик иши ҳамда коммунизм идеалларига астойдил хизмат қилиш билан бутун совет халқининг қизғин меҳр-муҳаббати ва мададига сазовор бўлдилар.

Совет кишилари партия сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари, улар КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганликлари, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги — енгилмас кучимизнинг бош манбаи, коммунистик қурилишда келгуси зафарларнинг гаровидир.

КПССнинг партия XXVI съездида ишлаб чиқилган сиёсий йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, матонатли марксчи, ленинчи, омманинг талантли ташкилотчиси, тинчлик ва коммунизм учун саботли курашчи ўртоқ Константин Устинович Черненко сиёсий-ғоявий, назарий ва ташкилотчилик ишини такомиллаштиришга, КПСС доно ленинча сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни муттасил амалга оширишга, КПСС Марказий Комитетининг бутун кўп қиррали фаолиятига шахсан ғоят катта ҳисса қўшмоқда.

Константин Устинович Черненконинг яқинда «Коммунист» журналида эълон қилинган асарининг чинакам новаторлик, чуқур ижодий хулосалари ва йўл-йўриқлари меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигини янада оширишнинг, уларнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, ижодий изланишларини ўн биринчи беш йиллик топшириқларини, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар этишнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Шу кунларда ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари иқтисодий ўсишнинг эришилган суръатларини, ижобий тенденцияларни, иқтисодий ҳамда социал тараққиёт вазифаларини амалда ҳал этишдан иборат умумий кайфиятни мустаҳкамлаш ва оширишга куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Давлат ҳокимиятининг олий органларига ўтказиладиган сайлов жамиятни ривожлантиришдаги янги маррани билдиради, экономика, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқларимизни ўзида мужассамлаштиради, халқ фаровонлигини янада юксалтиришда бир босқич бўлиб қолади.

Кейинги беш йил мобайнида Ватан қудратининг, халқ фаровонлигини ўстиришнинг негизи бўлмиш мамлакат экономикаси янги, бир мунча юксакроқ даражага кўтарилди. Миллий даромад ўсди, бунда унинг асосий қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинди, қишлоқ хўжалигимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Қурилиш ишлари анча яхшиланди, ишларнинг суръати ошиб, сифати яхшиланди. Мамлакатда мингдан кўпроқ янги катта корхоналар ишга туширилди, уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар қуришга, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Партия билан ҳукумат халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга ошираётган ғоят катта ишнинг натижаларини ҳар бир совет кишиси, ҳар бир оила сезиб турибди, ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш кўпайди, ижтимоий истеъмол фондлари ошди. Миллионлаб кишилар янги уйларга кўчиб кирдилар. Савдо ва маиший хизмат соҳаси кенгайди. Соғлиқни сақлаш системаси такомиллаштирилмоқда, медицина хизмати яхшиланмоқда.

Ажойиб Ватанимизнинг келажаги — ёш авлод тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Ҳозир умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳ қилинаётганлиги ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни яхшилашга қаратилган.

Партия Совет жамияти системасини изчиллик билан такомиллаштиришга, унинг социал-синфий структураси бирлигини мустаҳкамлашга, социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган йўлни муттасил ўтказиб келмоқда. Жамият ва давлат ишларини бошқаришга, иқтисодий ва социал сиёсатга оид ғоят муҳим масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишга, халқ контролини кучайтиришга, касаба союзлари, комсомолнинг ва бошқа оммавий ташкилотларнинг активлигини оширишга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун барча ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида совет кишиларининг ташаббускорлигини намоён этиш учун янги имконият яратади.

Шу жиҳатдан чинакам халқ ҳокимияти органлари — халқ депутатлари Советлари алоҳида роль ўйнайди. Улар ўз фаолияти билан сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг турли томонларини қамраб олиб, давлат ва жамоат ишларини қўшиб олиб бормоқдалар, барча социал-иқтисодий жараёнларга раҳбарлик соҳасидаги ишларини активлаштирмоқдалар.

Совет кишилари фахрланаётган ютуқларнинг ҳаммаси, мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маданий ривожланишдаги улуғвор муваффақиятлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Унинг сиёсати жамиятни ривожлантиришнинг объектив қонунларини чуқур билишга, содир бўлаётган барча жараёнларнинг жўшқинлигини тўлиқ ҳисобга олишга асосланмоқда. Марксизм-ленинизмга астойдил содиқлик ва халқ билан чамбарчас алоқа — партиямиз ғалабаларининг манбаидир.

КПССнинг халқ манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва бахт-саодатидан бошқа манфаатлари йўқ. Улуғ В. И. Лениннинг сўзлари билан айтганда совет кишилари ўзларининг жонажон партиясини давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони деб билмоқдалар.

КПСС билан Совет давлатининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини барча совет кишилари астойдил маъқулламоқдалар. Ҳозирги мураккаб, кескин халқаро вазиятда партиямиз билан ҳукуматимиз тинчлик ишини изчиллик ва қатъият билан ҳимоя қилмоқдалар, империализмнинг агрессив режаларига вазминлик ва хушёрликни қарама-қарши қўймоқдалар, Ватан қудратини мустаҳкамламоқдалар. Бу сиёсатни планетадаги барча тараққийпарвар кучлар кенг кўламда қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатимиз коммунизмнинг биринчи фазаси доирасида олға томон жуда илгарилаб кетди. Ривожланган социализмни такомиллаштириш — ҳозирги шароитда партия билан халқнинг асосий вазифасидир.

Биз яқинда 60 йиллигини тантанали нишонлаган Ўзбекистон ССРнинг меҳнаткашлари коммунизм қурилишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ана шу шонли воқеа муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг табрикномасида, Константин Устинович Черненконинг самимий сўзларида биз партиянинг мамлакатимизни равнақ топтириш ҳақида, Советлар мамлакати халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганлигини яна бир бор яққол кўрдик.

Ўзбекистон ССР совет халқларининг аҳил оиласида кураш ва бунёдкорликнинг катта йўлини босиб ўтди. Республиканинг ютуқлари — ленинча миллий сиёсат тантанасининг, социализм улуғ бунёдкорлик кучининг ишонтирарли далилидир.

Ҳозирги Совет Ўзбекистони — қудратли индустрияга, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигига, илғор маданиятга эга бўлган республикадир.

Ўзбекистон Компартияси КПССнинг жанговар отрядларидан биридир. У партиянинг бош йўлига оғишмай амал қилиб, республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг куч-ғайратини ривожланган социализмни такомиллаштиришга йўналтириб келмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми республика партия ташкилоти фаолиятида муҳим босқич бўлиб қолди. Ўзларингиз яхши биласизки, пленум экономика ва социал соҳадаги ишларнинг аҳволини объектив ҳамда танқидий анализ қилиб, социалистик жамият табиатига ёт бўлган жиддий камчиликлар ва салбий ҳолатларни очиб ташлади.

Қабул қилинган қарорларга мувофиқ партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари республикадаги вазиятни соғломлаштириш учун қатъий курашни авж олдириб юбордилар.

Шу билан бирга, ўртоқлар, салбий ҳолатларга қарши курашда дастлабки қадамларгина қўйилганлигини биз равшан англашимиз лозим. Бизда ҳали қийинчиликлар ва камчиликлар оз эмас. Республика коммунистлари, меҳнаткашлари ана шу қийинчилик ва камчиликларни батамом бартараф этиш устида ишламоқдалар. Шуниси қувончлики, бу соҳада муайян ижобий силжишлар содир бўла бошлади, биз уларни мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимиз зарур.

Саноатда ўтган йили маҳсулот реализация қилиш плани 100,6 процент бажарилди. Беш йиллик бошидан буён пландан ташқари 916 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу эса тармоқ меҳнаткашлари беш йиллик мобайнида 1 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот реализация қилишдан иборат мажбуриятини шараф билан уддалашларига ишонч бахш этади. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ўсмоқда.

Транспорт корхоналари ўз ишини бир мунча яхшиладилар, пассажир ва юк ташиш топшириқлари ошириб бажарилди.

Қурувчилар бир қанча саноат, уй-жой ва маданий-маиший объектларни ишга туширдилар.

Чакана товар обороти ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ошди.

Ўтган йил — қишлоқ хўжалиги учун мураккаб йил бўлди. Республика 5 миллион 292 минг тонна пахта тайёрлади. Пахта тайёрлаш ҳамда унга толасининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлашнинг янги системаси юксак пировард натижаларга эришиш учун хўжалик раҳбарлари, мутахассисларининг, барча меҳнаткашларининг масъулиятини кучайтирди. Тола чиқиш проценти анча кўпайди, куйиндилар сабабли нобудгарчилик камайди. Буларнинг ҳаммаси пахта маҳсулоти ўтган йиллардагига қараганда кам эмас, балки анча кўп ишлаб чиқилади, деб дадил айтиш имконини беради.

Пиллачиликда ҳам аҳвол худди шундай. Гарчи пилла минг тонна кам тайёрланган бўлсада, яхшироқ сифатли ипак кўпроқ олинади.

Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, жун, қоракўл тери харид қилиш планлари бажарилди. Гўшт, сут, тухум етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш соҳасида қизғин иш олиб борилмоқда.

Республика эришган муваффақиятларга Қашқадарё областининг меҳнаткашлари тобора кўпроқ салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир дашт ўлкаси тубдан янгиланмоқда деса бўлади. Иқтисодий потенциал ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Шўртан газ-конденсат кони ҳақли равишда Ўзбекистон дурдонаси бўлиб қолди. Унинг негизида энергетика программасининг энг муҳим объектларидан бири — Талимаржон ГРЭСи қурилиши авж олдирилмоқда. Областнинг шимоли-ғарбий зонаси районлари одамлар кўзи ўнгида ўзгариб бормоқда. Бу ерда ўнлаб янги совхозлар ташкил этилган, Муборак шаҳри тобора ўсмоқда.

Ўтган йилнинг ўзидагина областнинг саноат корхоналари салкам 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Саноат корхоналарининг кўпгина коллективлари йилни яхши натижалар билан якунладилар. «Каршистройиндустрия», «Каршихлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг корхоналари, «Каршинефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси, «Шуртангаз» газ кони бошқармаси, «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қурилиш сифати яхшиланди, плансиз қурилишларга чек қўйилди, уй-жойлар ва социал-маданий ҳамда маиший объектларни фойдаланиш учун қабул қилиш устидан контроллик кучайтирилди. 1984 йилда областда 418 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 529 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, 261 минг квадрат метр уй-жой, 10240 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2915 ўринли болалар боғчалари, 205 ўринли касалхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Қашқадарё области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини амалга оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Кўпгина коллективлар қишлоқ хўжалик маҳсулоти — пахта, дон, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут тайёрлаш ва давлатга сотиш планларини муваффақиятли уддаладилар.

Қўриқ ўлка пойтахти — Қарши шаҳри йил сайин ўсиб кўркамлашиб бормоқда.

Аввалги сайловдан кейин ўтган вақт ичида бу ерда янги майдонлар ва кўчалар, йирик маданий комплекси бўлган К. Маркс номидаги ажойиб проспект пайдо бўлди. Шаҳар турмуш маданияти ўсди, аҳолини саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди.

Индустрия янада ривожлантирилди. Маҳсулот реализация қилиш юзасидан беш йилликнинг тўрт йили плани 100,8 процент, 1984 йилги план эса 101,9 процент бажарилди. Тўрт йил ичида салкам 1 миллиард сўмлик ёки ўнинчи беш йилликнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шаҳар саноати 1985 йилда ишни яхши бошлади. Кўпгина корхоналар сайлов шарафига икки ойлик ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари, 24 февраль куни бажаришга қарор бердилар. «Эскиангарканалстрой» трестига қарашли Қашқадарё механизациялашган кўчма колоннаси, ёғ-экстракция заводи, «Шуртангаз» газ саноати бошқармаси, «Каршинефть» бошқармаси, 305-қурилиш-монтаж поезди, сопол қувурлар заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари шулар жумласидандир.

Шаҳар экономикаси ва социал ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар партиянинг одамлар турмуши фаровонлигини бутун чоралар билан оширишга қаратилган сиёсий йўли амалда рўёбга чиқарилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Кейинги вақтда партия, совет ва хўжалик ишларининг турли участкаларида ҳалол, виждонан ишлаётган, белгиланган тадбирларни қатъият ва изчиллик билан амалга ошираётган ажойиб кадрлар раҳбарлик қилаётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Насиба Рўзиевна Қўчқорова бундан бир йилча илгари ёғ-экстракция заводига директор қилиб кўтарилди. Шу вақтгача корхона маҳсулот реализация қилиш юзасидан ҳам ва уни етказиб бериш юзасидан ҳам планни ҳар йили бажармай келар, катта миқдорда жарима тўларди. Эндиликда завод шаҳарда илғор корхоналардан биридир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш 1983 йилдагига нисбатан бу ерда 117,4 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати бир мунча яхшиланди. Янги типдаги бундай ажойиб раҳбарлар оз эмас.

Раҳбар кадрларнинггина эмас, шу билан бирга ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ҳам масъулияти ва ташаббуси бутун чоралар билан оширилмоқда. «Каршистройиндустрия» бирлашмасидан Анатолий Шанов бошлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлаган ташаббус мақтовга лойиқдир. Бригада Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Николай Гастеллони ўзининг фахрий аъзоси қилиб рўйхатга олди. Бригада ҳар ойда унинг нормасини бажариб, бундан тушган иш ҳақини тинчлик фондига ўтказмоқда.

«Каршистрой» бошқармасидан электр монтажчилар бригадири, СССР Олий Совети депутати Рўйиддин Рўзиев, тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Раиса Иванушкина, «Узбекнефтегазгеология» бирлашмасидан пармаловчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хайрулла Темиров, «Эскиангарканалстрой» трестига қарашли Қашқадарё механизациялашган кўчма колоннасининг экскаваторчиси, республикада хизмат кўрсатган ирригатор Иван Бурданос ва бошқа кўпгина илғорлар тўғрисида яхши сўзларни айтиш мумкин.

Улар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб яхши ишламоқдалар. Умуман шаҳар бўйича ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан беш юздан ортиқ киши беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажарди.

Шуниси қувончлики, кейинги вақтда меҳнат интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. 1984 йилнинг иккинчи ярмидагина дастлабки олти ойдагига нисбатан прогуллар натижасида иш вақтининг бекор кетиши 6 процент қисқарди, шунинг ҳисобига қўшимча равишда 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Биз бажарилган ишлар тўғрисида қонуний фахрланиш билан гапирар эканмиз, айни вақтда олдинда ишлар ҳали кўплигини, ҳали анчагина ишларни қилиб улгурмаганлигимизни, қандай қийинчиликларни бартараф этишимиз лозимлигини аниқ биламиз.

(Давоми 2-бетда).

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

# БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ МЕҲНАТ МАРОМИ

## 1984 ЙИЛДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили — 1984 йилда жамоат ишлаб чиқариши муттасил ривожланиб, унинг кўлами ва самарадорлиги ошди, сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Халқ фаровонлиги ўсди, дейилади СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1984 йилги Давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида.

Ўтган йилда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий якунлари қуйидагича бўлди:

истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад (солиштирма нархларда) 496 миллиард сўмни ташкил этди ва 1983 йилдагига нисбатан 12 миллиард сўм кўпайди. Мана шу маблағнинг ҳаммаси халқ фаровонлигини оширишга сарфланди.

Саноат маҳсулоти 1983 йилдагига нисбатан 31 миллиард сўмлик кўпайди ва 783 миллиард сўмга етди. (1982 йилнинг 1 январигача корхоналарнинг улгуржи нархларида).

1984 йилда 135 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинди, бу беш йилликнинг ўтган уч йилдаги ўртача йиллик ҳажмидан 7 миллиард сўм кўпдир.

162 миллиард сўмликдан ортиқ асосий фондлар ишга туширилди, бу эса 1983 йилдагига нисбатан 4 миллиард сўм кўпдир.

Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони 116,7 миллион кишини, колхозчилар эса (жамоат хўжалиги) 12,9 миллион кишини ташкил этди. Бундан олдинги йиллардаги сингари меҳнатга қобилиятли аҳоли иш билан тўла таъминланди.

Хўжалик механизмини такомиллаштиришга доир тадбирлар амалга оширилди. Саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий тадбирлар, барча даражалардаги бошқариш аппарати оддийлаштирилаётганлиги ва арзонлаштирилаётганлиги ана шу тадбирлар орасида катта ўринни олди.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларини қўлланиш кенгайди. Бригада пудрати янада кенг ёйилди.

(Давоми 2-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

26 январда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди, унда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги давлат плани ва республика давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди.

Министрлар Совети шуни уқтириб ўтдики, республиканинг меҳнат коллективлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини турмушга татбиқ этиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни тобора ривожлантиришни, унинг самарадорлигини оширишни, шу асосда халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ўстиришни таъминладилар. Пландан ташқари 106 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Йирик ишлаб чиқариш қувватлари, социал-маиший объектлар ишга туширилди. Аҳолининг реал даромадлари кўпайди.

Шу билан бирга мажлисда кўпгина министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ривожлантиришдаги қолоқликни бартараф этишда ва катта камчиликларни тугатишда лозим даражада қатъият ва изчиллик кўрсатмаганликлари таъкидлаб ўтилди. Бир қанча тармоқлардаги кўпгина корхона ва ташкилотлар энг муҳим план топшириқларини бажармадилар. Асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш планининг бажарилиши таъминланмади. Пахта, дон ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа турдаги бир қанча маҳсулотларини етиштириш, харид қилишда анчагина қолоқликка йўл қўйилди. Кўпгина корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи оғирлигича қолмоқда. Чакана товар обороти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планлари бажарилмади. Давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузиш фактларини тугатишда ҳали ҳам сусткашлик қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети зиммасига КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль, апрель, октябрь Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорига амал қилиб, хўжалик фаолиятидаги мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиш, барча корхоналар ва ташкилотлар планларнинг бажарилишини таъминлашлари учун мавжуд ҳамма резерв ва имкониятларни сафарбар этиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжаликни оқилона бошқариш, моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни тежаш соҳасида изчиллик ва сабот билан ишлаш, интизом ва тартибни ҳар томонлама мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштиришни жадаллаштириш, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажариш, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, кўкламга намунали тайёргарлик кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда қабул қилинган қарорда давлат органлари, меҳнат коллективларининг бутун кучини беш йилликнинг тугалловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришни таъминлашга, КПСС XXVII съездини ва Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилиши учун зарур тадбирлар ҳам белгиланди.

Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

# ЮКСАК ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг СССР Ёзувчилар союзи юбилей пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш юзасидан маданият органлари ва муассасаларининг вазифалари маданият ходимлари республика активининг 28 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева доклад қилди.

Докладда, мунозарада қатнашганларнинг нутқларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ўртоқ К. У. Черненконинг ёзувчилар анжуманида сўзлаган нутқи, унинг улкан тарихий муҳим аҳамиятга эга бўлган «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» илмий-амалий асари республика маданият ходимларини конкрет ишларга йўналтириш билан бирга ижодиётни янада такомиллаштириш, ривожланган социализм маданиятининг самарадорлигини, унинг оммага кўрсатадиган ғоявий таъсирини ҳар томонлама ошириш истиқболларини очади. Айни вақтда бу асар маданият ходимларига алоҳида масъулият юклаб, санъатнинг тарбиявий кучини муттасил ошириш, маданият муассасалари фаолиятини кун сайин такомиллаштириш зарурлигини вазифа қилиб қўяди.

(Давоми 2-бетда).

# ИШ УСЛУБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

*Тошкент область касаба союзлари XII союзлараро конференциясидан*

Тошкент область касаба союзларининг XII союзлараро конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Тошкент область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов «Область касаба союзлари Совети иши тўғрисида ҳисобот ва область касаба союзларининг 1985 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг бажарилишини таъминлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йил 15 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида сўзлаган нутқида берилган кўрсатмалардан келиб чиқадиган вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Область касаба союзлари ҳисобот даврида асосий эътиборни меҳнаткашларни партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К.У. Черненконинг кўрсатмаларини бажаришга сафарбар этишга қаратди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область партия комитетининг IV пленуми қарорлари касаба союз комитетлари ва ташкилотлари иш услуби ҳамда методини такомиллаштиришга самарали таъсир ўтказди. Меҳнат интизоми яна ҳам мустаҳкамланди. Касаба союз ташкилотлари ва активлари ишчанлик, ташаббускорлик кўрсатадиган, масалаларни принципиал тарзда ҳал этадиган бўлиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, якунлаш ва ғолибларни тақдирлаш практикаси тўғрисида қабул қилган қарори асосида жойларда катта ишлар амалга оширилди. Область касаба союзлари Совети область партия комитети бўлимлари билан ҳамкорликда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, шартнома ва буюртма бўйича тайёрланган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш, ишлаб чиқариш қувватларидан, хомашё ва энергиядан, иш вақтидан унумли фойдаланиш, план, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан тадбирлар кўрмоқда.

Илғорлар тажрибасини коллектив ўртасида кенг ёйиш йўли билан умумий юксалишга эришиш касаба союзларининг диққат марказида бўлмоқда. Айниқса, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эътибор кучайди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни ҳисобот даврида йўл қўйилган нуқсонларга қаратдилар. Область касаба союзлари Совети, область тармоқ касаба союз комитетлари социалистик мусобақани такомиллаштиришнинг барча имкониятларидан ҳали ҳам тўла фойдаланмаяптилар. Айрим ҳолларда уларнинг ташкилотчилик роли сезилмаяпти. Тошкент экскаватор заводи, «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби бир қатор корхоналарда ўтган йили меҳнат унумдорлигини ошириш ўрнига пасайтириб юборилди. Касаба союз ташкилотларининг бундай аҳвол билан келишиб келаётганлиги кишини таажжублантиради.

Конференцияда қишлоқ касаба союз ташкилотлари бажараётган ишлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Мусобақани ташкил этишда, иш ва турмуш шароитини яхшилашда улар фаолиятида жиддий нуқсонлар бор. Айниқса, чорвачилик соҳасидаги аҳвол ачинарлидир. Область касаба союзлари Совети, қишлоқ хўжалиги ходимлари область касаба союз комитети чорвачилик фермаларидаги ишларни механизациялаш, техникадан оқилона фойдаланишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. «Госкомсельхозтехника»нинг район бирлашмалари чорвачилик фермалари ҳамда комплексларига техник хизмати кўрсатиш бўйича зиммага олган мажбурият ва шартномаларини бажармай келаяптилар. Кўп ҳолларда касаба союз комитетлари чорвадорлар учун оддий қулайликларни ҳам яратиб беришмаган.

Конференцияда меҳнатнинг бригада формасини халқ хўжалиги тармоқларида кенг қўлланиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Янги усулни тарғиб этишда касаба союзлари роли ниҳоятда каттадир.

Иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтиришда, хомашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш устидан ҳам касаба союз ташкилотлари қатъий назорат ўрнатишлари лозим.

Ҳозирги кунда кўпгина меҳнат коллективлари иқтисод қилинган хомашё ва материаллар ҳисобига 2 кун ишлаб бериш юзасидан янги мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Область касаба союз комитетлари, область касаба союзлари Совети бундай қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлашлари ва кенг ёйишлари керак. Айни пайтда партиямизнинг бўлажак XXVII съезди, буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақалар давомида туғилаётган ватанпарварлик ташаббуслари ҳам эътиборда бўлмоғи керак. Умумий ишга ёрдам берувчи ташаббуслар барча жойда қўллаб-қувватланиши ва оммалаштирилиши лозим.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишда доимий кенгашлар катта роль ўйнамоқда. Ҳисобот даврида доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг фаолияти яхшиланди, мазмуни бойиди. Шунга қарамай, айрим цехларда ишлаб чиқариш кенгашлари фаолиятига етарлича баҳо берилмаяпти. Уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири сезилмаяпти.

Конференцияда коллектив шартномалар тузиш ва уларни бажариш, илмий-техника жамияти ва ВОИР фаолиятини яхшилаш, коммунистик меҳнат мактабларининг тарбиявий ролини ошириш, мураббийчилик ҳаракатини кенгайтириш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳам чуқур таҳлил қилинди. Касаба союзлари партиямизнинг совет халқи турмуш шароитини яхшилаш юзасидан программасини бажаришга даъват этилганлиги алоҳида таъкидланди. Чиндан ҳам меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари, маданий дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари устида энг аввало касаба союзлари қайғуриши керак. Областимизда социал эҳтиёжлар учун сарфланаётган маблағлар миқдори йил сайин кўпайиб боряпти. Ҳисобот даврида минглаб меҳнаткашлар бепул ва имтиёзли йўлланмалар билан профилакторийларда даволандилар, дам олдилар.

Шунга қарамай, айрим жойларда санаторий-курортларга йўлланмалар тақсимлаш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги сир эмас. Область касаба союзлари Совети белгиланган қонун-қоидага риоя этмаётган ходимларни жиддий жазолашга мажбур бўлди.

Кейинги йилларда пионер лагерлари сони сезиларли даражада кўпайганлиги конференцияда эслатиб ўтилди. Сўнгги уч йил давомида пионер лагерлари 548 тага етди. Ўтган йилнинг ўзида 208 мингга яқин ўқувчи уларда дам олди. Фарзандларимиз билан бирга бу пионер лагерларида 900 афғон болалари ҳам ёзги каникулларни соз ўтказишди. Болаларнинг қишки дам олишини ҳам мана шундай мазмунли ўтказиш зарурлиги конференцияда таъкидланди.

Касаба союз комитетлари меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш устида зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Ҳисобот даврида давлат капитал маблағи ҳисобига 3 миллион 83 минг квадрат метр саҳнли турар-жойлар фойдаланишга топширилди. 51 минг оила ўз турар-жой шароитини яхшилаб олди.

Турар-жойлар қуриш кўлами кенгаяётган бўлса-да, лекин квартиралар тақсимлаш қонун-қоидаси ҳамон бузилиб турганлигини делегатлар афсусланиб гапирдилар. Турар-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш қоидаларини қўпол равишда бузган, мансабини шахсий мақсадларда суиистеъмол қилганлар вазифасидан бўшатилди.

Конференцияда савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, транспорт ишидаги нуқсонлар корхона ва қурилиш ташкилотлари ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришдаги камчиликлар ҳам қаттиқ танқид қилинди. Металлургия, электротехника саноати тармоғи, машинасозлик заводларида, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза этишда жиддий нуқсонлар борлиги таъкидланди. Иш ўринлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган профилактика ишлари талаб даражасида эмаслиги уқтирилди.

Областимиз меҳнаткашлари шонли саналар арафасида турибдилар. Бутун куч ва ғайратни сарфлаб, партиямиз съездини, буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳар бир коллективнинг шарафли бурчидир. Касаба союз комитетлари ва активлари мусобақани ташкил этишда ва самарадорлигини оширишда ташкилотчилик ва тарбиячилик ролини ўйнашлари керак.

Конференцияда ревизия комиссияси раиси А. Қ. Қобилжоновнинг ҳисоботи ҳам тингланди.

Доклад ва ревизия комиссиясининг ҳисоботи юзасидан бўлиб ўтган музокараларда «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Х. Орипов, автотранспорт ва тош йўллар ишчилари касаба союз область комитети раиси Т. С. Собиров, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори В. Н. Сигедин, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Гулаҳмедова, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асепков, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси Г. В. Шевелёва, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми сут соғувчиси Ф. Ш. Бекқулова, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев, «Ташсельмаш» заводи пармаловчиси, III даражали меҳнат Шуҳрати ордени кавалери З. П. Зотова, СССР спорт мастери Х. Матчонов, Туркистон Ҳарбий Округи Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ю. В. Шилин, Ўзбекистон металлургия заводи прокат стани мастери Х. Эгамбердиев, Янгийўлдаги «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси Т. Нурмуҳамедова қатнашдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан конференция қарор қабул қилди.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон касаба союзлари Совети раиси Н. М. Маҳмудова, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, ВЦСПС масъул ходими Е. К. Плаксин иштирок этдилар.

* * *

Тошкент область касаба союзлари Советининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда А. В. Браилов область касаба союзлари Советининг раиси, С. У. Муҳаммаджонова, Д. Д. Усачев, О. Зуфаров область касаба союзлари Советининг секретарлари қилиб сайландилар.

Область касаба союзлари ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. А. Қ. Қобилжонов комиссия раиси қилиб сайланди.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

## ТЕХНИКА ШАЙ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнатчилари ҳамма экиш техникасини қисқа муддатларда ремонтдан чиқардилар. 68 та трактор, 48 та чигит экадиган, маккажўхори ва каноп уруғи ташлайдиган сеялка тахт қилиб қўйилди. Ҳамма культиваторлар, гербицид солиш мосламалари, комплект бороналар, экиш кампаниясини ва ниҳоллар парваришини муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган бошқа машина ва механизмлар ҳам тартибга келтирилди.

Хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалик машиналари ремонтининг сифатини юқори баҳоладилар. Ҳар бир агрегатнинг механизмлар пухта ишлашига, техниканинг унумсиз бекор туришини энг оз даражага келтиришга кафолот берадиган талонлари бор.

Колхозда машиналардан юксак самарали фойдаланиш ҳисобига пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс механизациялаш соҳасида бой тажриба орттирилган. Бу ерда машина-механизмларни дала ишларига тайёрлашга катта эътибор берилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Хўжаликда замонавий устахона барпо этилган, у зарур асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси билан таъминланган, ремонтчилар билан механизаторларнинг меҳнатини ташкил этиш ҳамда ҳақ тўлашнинг илғор формалари жорий қилинган, уларнинг серунум меҳнат қилиши учун яхши шароитлар яратилган.

Колхозда пахта териш машиналарини ремонт қилишга барвақт киришилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма 24 та «зангори кема»нинг аппаратлари созлаб бўлинди, 15 та кўсак чувиш машинаси ҳам шай ҳолга келтирилди.

(ЎзТАГ мухбири).

# БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ МЕҲНАТ МАРОМИ

(Боши 1—2-бетларда).

Эришилган муваффақиятлар билан бирга бир қанча колхоз ва совхозлар давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планини бажаролмади. Ишлаб чиқаришни ўстириш резервларидан етарлича фойдаланилмаётир, машина-ускуналарнинг бекор туриб қолишига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишига, унумсиз харажатларга йўл қўйилмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Қишлоқ хўжалигига кўпчилик машина-ускуна турларини, минерал ўғит ва ем-хашакка қўшиладиган химиявий моддалар етказиб бериш плани бажарилди.

Агросаноат комплексига, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларга сарфланган капитал маблағлар 55 миллиард сўм бўлди. Шу жумладан қишлоқ хўжалигига 45 миллиард сўм сарфланди. Катта мелиоратив қурилиш плани амалга оширилмоқда. Шу мақсадларга сарфланган капитал маблағлар 8,8 миллиард сўм бўлди.

Ҳамма хил транспорт юк обороти 7,7 триллион тонна-километр бўлди ва 1983 йилга нисбатан 2,9 процент ортди, пассажир обороти 991 миллиард пассажир-километрга етди ва 2,1 процент ортди.

Темир йўл транспорти юк ташиш умумий ҳажми ҳамда кўпчилик энг муҳим юкларни ташиш, юк обороти, юк ташишда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги йиллик планини бажарди. Юк ташишнинг жамики ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Юк поездининг ўртача вазни ортди. Шу билан бирга пассажир обороти, локомотив ва юк вагонининг ўртача суткалик иш унуми плани тўла бажарилмади. Вагонларнинг юк ортиш-тушириш ишларида унумсиз бекор туришига, норационал юк ташишларга йўл қўйилмоқда.

Денгиз транспортида чет эл йўли ва ички йўлда юк ташиш, меҳнат унумдорлиги планлари ошириб бажарилди.

Дарё транспорти жами юк ташиш планини бажарди. Юк обороти, пассажир обороти, пассажирлар ташиш топшириқлари тўла бажарилмади.

Автомобиль транспорти юк, пассажир ташиш, пассажир обороти ва енгил таксомоторларнинг ҳақ тўланадиган қатнови планини бажарди.

Нефть ва нефть маҳсулотлари қувур транспорти юк оборотини бир мунча кўпайтирган бўлсада, план тўла бажарилмади. Нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдаш ҳажми топшириқдан паст даражада бўлди.

Газ саноат министрлигининг газ қувурлари товар газ етказиб бериш планини бажарди, бундай газ ҳажми бир йил ичида 54 миллиард куб метр кўпайди.

Ҳаво транспорти пассажир ташиш, пассажир обороти, авиация орқали юк ташиш ҳажми ҳамда халқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатиш ишлари планини ошириб бажарди. 112 миллион киши ташилди. 103 миллион гектар майдонда авиация орқали химиявий ишлар бажарилди.

Аммо айрим транспорт турлари халқ хўжалигининг бир қанча энг муҳим юкларни ташишга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиролмади.

Алоқа корхоналари маҳсулот ҳажми ва алоқа воситаларини ривожлантириш асосий кўрсаткичлари юзасидан белгиланган планларни бажарди, маҳсулот ўсиши 5 процент бўлди.

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида халқ хўжалигида 200 га яқин янги давлат саноат корхоналари ишга туширилганлиги айтилади. Ишлаб турган корхоналар кенг кўламда реконструкция қилинди ва техника жиҳатидан қайта қуроллантирилди. Кўпдан-кўп уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа социал-маданий объектлар фойдаланишга топширилган.

Электр энергетикада Калинин ва Запорожье АЭСлари, Саян-Шушенск ГЭСида ва бошқа бир қанча электр станцияларида янги турбиналар ишга тушди.

Газ саноатида магистрал газ қувурларининг жами узунлиги 11 минг километрга етадиган бир қанча янги участкалар фойдаланишга топширилди. Уренгой-Марказ-1 магистрал газ қувури муддатидан илгари ишга туширилди.

Қора металлургияда Гомель областида Белоруссия металлургия заводи ишга туширилди. Темир руда қазиб чиқарувчи, темир руда концентрати ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга солинди.

Байкал-Амур темир йўл магистралида бош темир йўл қурилиши муддатидан илгари битказилди ва темир йўлнинг бутун узунлиги бўйлаб поездлар қатнови бошланди.

Агросаноат комплекси тармоқларида минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга запас қисмлар, чорвачилик ва озуқа, ем ачитқи ишлаб чиқарувчи машина-ускуналар ясовчи қувватлар фойдаланишга топширилди. Гўшт, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, нон-булка маҳсулотлар ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга солинди.

Қишлоқ хўжалигида 6,6 миллион ўринли мол боқиладиган ҳамда қарийб 10 миллион ўринли парранда боқиладиган чорвачилик бинолари, механизациялашган фермалар ва комплекслар, 4 миллионта товуқ ҳамда йилига 71 миллионта гўштбоп парранда боқиладиган паррандачилик фабрикалари, 22 миллион куб метрдан каттароқ сиғимдаги силос ва сенаж иншоотлари, элеваторлар, омихта ем корхоналари ва бошқа объектлар қурилди.

Барча пул билан таъминлаш манбалари ҳисобидан халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар 172 миллиард сўмдан кўпроқ бўлди. Ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга салкам 30 миллиард сўм пул сарфланди. Бу аввалги йилга нисбатан 5 процент кўпдир.

Капитал маблағлар йиллик ҳажмига нисбатан битказилмаган қурилишлар миқдори бир мунча қисқарди.

Шу билан бирга асосий фондларни ва бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш плани бажарилмади. Капитал маблағлар ва моддий ресурсларни ишга тушириладиган қурилишлар ва объектларга зарур даражада жамлаш, бу объектларни тегишли сифат билан бир маромда ишга тушириш таъминланмади. Кўпгина ташкилотлар товар қурилиш маҳсулоти, пудрат ишлари ҳажми, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва иш таннархини арзонлаштириш планини уддалай олмади.

1984 йилда халқ фаровонлигини янада юксалтириш таъминланди.

Миллий даромаднинг тўртдан уч қисми истеъмол учун фойдаланилди, уй-жой ва социал-маданий қурилишларга сарфланган харажатларни ҳисобга олганда миллий даромаднинг бешдан тўрт қисми бевосита халқ фаровонлигига ажратилди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнатни механизациялаш даражасини юксалтириш тадбирлари амалга оширилди.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик пуллик иш ҳақи 185 сўм бўлди; колхозчилар меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи 145 сўм бўлди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 139,5 миллиард сўмлик ёки 1983 йилга нисбатан 4,7 миллиард сўм кўп тўловлар ва имтиёзлар олди. Бу тўловлар ва имтиёзлар ҳисобга олинса, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ойига 254 сўмдан 260 сўмгача кўпайди.

Давлат ички заёмлари облигацияларининг пули қайтариб берилди.

Пул муомаласининг барқарорлиги таъминланди.

Меҳнаткашлар омонат кассаларига қўйган жамғармаларини 15 миллиард сўмдан ҳам ошириб юбордилар.

Давлат ва кооперация савдосининг чакана товар обороти 316 миллиард сўм бўлди ва 1983 йилга нисбатан таққослама нархларда 12,7 миллиард сўм кўпайди. Мамлакатнинг кўпгина районларида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан ва бир қанча халқ истеъмол моллари билан таъминлаш яхшиланди. Аммо йиллик чакана товар обороти плани тўла бажарилмади, аҳолининг баъзи озиқ-овқат ва саноат молларига ўсиб бораётган эҳтиёжлари ҳали тўла-тўкис қондирилмаяпти.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар ҳажми 1983 йилга нисбатан 5,8 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 5,4 процент ортди. Шу билан бирга план бажарилмади.

Пул билан таъминлаш барча манбалар ҳисобидан жами саҳни 113 миллион квадрат метр уй-жойлар ёки 2 миллионта янги шинам квартира қурилди. 10 миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга сарфланган жами харажатлар (шу жумладан ўрмон хўжалигига бўлган харажатлар) қарийб 9 миллиард сўмга етди.

106 миллиондан кўп киши ҳар хил ўқишга жалб этилди. 1984 йилда 2,1 миллион мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 0,9 миллион мутахассис ва махсус ўрта маълумотли 1,2 миллион мутахассис тайёрланди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ва аҳолининг уюшган ҳолда дам олиши яхшиланди. Ҳамма ихтисосликдаги врачлар сони 32 минг кишига кўпайди ва 1 миллион 136 минг кишига етди.

Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва базаларидаги, туристик базалардаги ўринлар сони 54 мингта кўпайди. Шу муассасаларда 62 миллион меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари даволанди ва ҳордиқ чиқарди.

Физкультура ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди.

Совет Иттифоқи аҳолисининг сони 1985 йил 1 январда 276,3 миллион кишига етди. (ТАСС).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

## БИРИНЧИ ҲИССА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик бирлашмасининг экспериментал цехи ишчиси Р. Крашеникова бирлашма тежамкорлик жамғармасига шу йилда биринчи ҳисса қўшди. Унинг таклифи билан корхона тайёрлайдиган чарм курткани бичишга ўзгариш киритилди. Бу янгилик қимматбаҳо материал сарфини камайтирди, маҳсулот тайёрлаш технологиясини енгиллаштирди. Натижада ҳар йили саккиз минг сўмдан кўп маблағ тежаш имконини беради.

Бирлашма новаторлари беш йиллик якунловчи йилининг зарбдор вахтасида турибишлаб чиқариш технологиясига юзтадан кўп тузатиш киритишга сўз бердилар. Бу тузатишлар меҳнат унумдорлигини ошириш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, газлама, ип, электр энергия сарфини камайтиришга ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

# ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

## Совет—Америка музокаралари тўғрисида

СССР билан АҚШ ядровий ва космик қуроллар юзасидан музокаралар 1985 йилнинг 12 мартида Женева шаҳрида (Швейцария) бошланади деб келишиб олдилар.

СССР делегациясига элчи В. П. Карпов бошчилик қилади. У айни вақтда музокаралардаги группалардан бирида совет томонининг вакили сифатида қатнашади; бошқа иккита группада элчи Ю. А. Квицинский ва элчи А. А. Обухов совет томонидан вакил бўладилар.

АҚШ делегациясига элчи М. Кампельман бошчилик қилади, у айни вақтда музокаралардаги группалардан бирида Америка томонининг вакили сифатида қатнашади; бошқа иккита группада элчи Ж. Тауэр ва элчи М. Глитман Америка томонидан вакил бўладилар.

(ТАСС).

### ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯЛАР

МАНАГУА. Сандиночилар халқ армияси жафокаш Никарагуа диёрини қонга ботирган Марказий разведка бошқармасига ёлланган қотилларга қарши кенг кўламда жанговар операцияларни кучайтирмоқда. Никарагуа мудофаа министрлиги вакилининг журналистларга хабар беришича, 25 январь куни Сандиночилар халқ армиясининг жангчилари Нуэва — Сеговия департаментида бўлиб ўтган қуролли тўқнашув чоғида контрреволюционерлардан 12 кишини йўқ қилдилар. (ТАСС).

### ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЯНА УЗАЙТИРИЛДИ

КОЛОМБО. Шри Ланка парламенти ҳукуматнинг мамлакатдаги фавқулодда ҳолатни яна бир ой узайтириш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Фавқулодда ҳолат орол аҳолисининг асосий этник группалари — сингаллар билан таминлар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув муносабати билан 1983 йилнинг 18 майида жорий этилган эди.

(ТАСС).

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ ВАРШАВА. Совет Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик ҳамда савдо-сотиқни янада мустаҳкамлаш Польша ташқи иқтисодий сиёсатининг бош йўналишидир, деди ПХР ташқи савдо министрининг ўринбосари В. Гвязда умумпольша ишчи агентлиги мухбири билан суҳбатда.

Совет Иттифоқи ПХРнинг савдо-иқтисодий соҳадаги энг катта шеригидир, деб таъкидлади у. Ғарбдаги баъзи мамлакатлар Польшага нисбатан ўтказишга уринаётган «жазо чоралари» сиёсатини барбод этишда Совет Иттифоқи бебаҳо роль ўйнади. СССР билан ПХР ўртасида 2000 йилгача даврга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ўтган йилнинг май ойида Москвада имзоланган узоқ муддатли программа Совет-Польша ҳамкорлиги учун кенг истиқболлар очиб берди. Бу ҳужжат халқ хўжалигининг ғоят турли тармоқларида иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилади.

✦ ЛОНДОН. Буюк Британия либерал партиясининг раҳбари Дэвид Стил консерваторлар ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини кескин танқид қилди. У бу сиёсатни «самарасиз» деб айтди ва иш ўринларини вужудга келтириш учун бевосита давлат маблағлари зарурлигини уқтириб ўтди.

Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатда «ортиқча кишилар» армияси салкам 3,2 миллион кишига етган ва ҳамон кўпайиб бормоқда. Шу кунларда консерваторлар ҳукумати яқин уч йилга мўлжалланган давлат харажатлари тўғрисида тақдим этган «оқ китоб»да ҳам бу нарса эътироф этилади. Унда иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳволни яхшилаш юзасидан ҳеч қандай реал чора-тадбир таклиф қилинмайди.

✦ БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари босиб олинган территорияларда Исроил босқинчиларига қарши кўпгина ҳарбий операциялар ўтказдилар.

Набатия шаҳри чеккаларида партизанлар интервенциячиларнинг автомашиналари колоннасига ҳужум қилдилар. Кучайиб кетган жанг вақтида исроиллик икки офицер ўлдирилди. Бекаа водийсининг ғарбий қисмидаги Жуб-Женин яқинида ватанпарварлар қўйган минанинг портлаши натижасида исроилликлардан бир неча киши ўлди. Маржон яқинида қаршилик кўрсатиш жангчилари бутунлай Тель-Авив қарамоғида бўлган «Жанубий Ливан армияси» деб аталувчи армия бошлиқларидан бирини йўқ қилдилар.

✦ БУЭНОС-АЙРЕС. Сантьягодан олинаётган хабарларга кўра, Чили оппозициячи сиёсий партиялари блоки демократик уюшмаси Пиночетнинг ҳарбий-диктаторлик режимини кескин қоралади. Демократик уюшма ўз баёнотида қамал ҳолати ва матбуот цензураси бекор қилинишини, кишиларни таъқиб этилишига ва уларнинг ҳуқуқлари бузилишига чек қўйилишини талаб қилди.

Чили пойтахти марказида Пиночет дарҳол истеъфога чиқсин, деган шиор остида диктатурага қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Маъмурлар намойишчиларни тарқатиб юбориш учун ёллаган полиция отрядлари водомётлар ва таёқларни ишга солдилар. Митингнинг кўплаб қатнашчилари қамоққа олинди. Айни вақтда полициячиларнинг отрядлари Сантьягодаги ишчилар яшайдиган кварталларни қуршовга олиб тинтув қилмоқдалар.

Оппозициядаги матбуотга ҳам яна репрессиялар қилинди.

(ТАСС).




✦ ГФР. Ғарбий Германиядаги Хайльбронн шаҳри яқинида АҚШ ҳарбий базаси территориясида ўртача олисликка учадиган «Першинг-2» ракетаси двигателининг портлаб кетганлиги аҳоли ўртасида катта ташвиш туғдирди. ГФР тинчликсевар кучлари мамлакатдан Америка ядровий ракеталари олиб чиқиб кетилишини талаб этмоқдалар. Суратда: Хайльброннdagi АҚШ ҳарбий базаси.

АП—ТАСС телефотоси.

## ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

ГАВАНА. Доминикана республикасидаги вазият ҳаддан ташқари кескинлашди. Бу ерда Кариб денгизидаги шу мамлакат президентининг ёнилғи нархини ошириш тўғрисидаги декрети кучга кирди.

Санто-Доминигодан олинган хабарларга кўра, пойтахтда ва бошқа кўпгина шаҳарларда стихияли норозилик намойишлари бошланди. Мамлакат жанубидаги Сан-Кристобаль вилоятининг Камбита Гарабитос деган жойида намойишчилар полиция участкасининг деразалари ва йўлакларини тошбўрон қилдилар. Дуарте вилоятининг маъмурий маркази — Сан-Франциско-де-Макорис шаҳрида намойишни тарқатиб юбориш пайтида одамлар калтакланди ва ўнлаб киши қамоққа олинди, аҳолини «тинчлантириш операциялари»да полициядан ташқари мунтазам армия қисмлари ҳам қатнашди.

Бензиннинг қимматлашуви ўз-ўзидан бир қанча энг зарур моллар ва хизмат турлари, жумладан гуруч, сариёғ, қанд-шакар, балиқ, сут нархининг кўтарилишига сабаб бўлди.

(ТАСС).

